

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА МАХСУС ТАЪЛИМ

ВАЗИРЛИГИ ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ҚУРИЛИШ ФАКУЛЬТЕТИ

“БИНО ВА ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИ, ГЕОДЕЗИЯ,

КАРТОГРАФИЯ ВА КАДАСТР” КАФЕДРАСИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИНГ ҲИСОБ –ТУШУНТИРУВ МАТНИ

Битирув малакавий ишининг мавзуси: **“Қува туманида қуриладиган 360 ўринли ўрта таълим мактаб ўқув биносини лойиҳаси”**

Битирувчи 3-10 “БИҚ”
гуруҳ талабаси:

Б.Тожибоев

Битирув малакавий иши раҳбари:

Ў.А.Мирзааҳмедова

Кафедра мудири

доц. Й.М.Махкамов

Фарғона 2014 й.

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ҚУРИЛИШ ФАКУЛЬТЕТИ

“БИНО ВА ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА
КАДАСТР” КАФЕДРАСИ

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИНГ
ҲИСОБ –ТУШУНТИРУВ МАТНИ**

Битирув малакавий ишининг мавзуси: **“Қува туманида қуриладиган 360
ўринли ўрта таълим мактаб ўқув биносини лойиҳаси”**

Ҳисоб- тушунтирув матни____бет

Битирувчи 3-10 “БИҚ”
гуруҳ талабаси:

Б.Тожибоев

Битирув малакавий иши раҳбари:

Ў.А.Мирзааҳмедова

Кафедра мудири

доц. Й.М.Махкамов

Фарғона 2014 й.

КИРИШ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар заминида мамлакат аҳолисини турмуш даражасини юксалтириш, муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратиш ва реал даромадларини ошириш масаласи ётади. Шундан келиб чиққан ҳолда, тобора юксалиб бораётган аҳолининг ижтимоий, маданий-маърифий ва санъат соҳаларидаги эҳтиёжларини тўлароқ кондириш мақсадида минтакаларда замонавий, кўркем ва янги ечимларга эга бўлган иншоотларни барпо этиш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон шаҳарлари ривожланишининг ҳозирги босқичи бир қатор долзарб муаммоларни илгари сурмоқда. Булар замонавий бино ва иншоотларни барпо этиш, бино ва иншоотларнинг функционал-режавий архитектура-бадий қурилишини такомиллаштириш, шаҳар ҳудудидан унумли фойдаланишдан иборат.

Замонавий бинолар янада қулайроқ, конструкциясини зилзилага чидамли қилиш, бинолар атрофини боғ-роғлар, кўкаламзорлар, ариқлар воситаси билан ободонлаштириш каби бир қатор муаммоларни ечиш меъморларимиз зиммасидаги энг масъулиятли ва долзарб вазифалардан биридир.

2013 йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини қайд этиш мумкин. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, модернизациялаш ва янгиланиш бевосита қурилиш тармоғини жадал риволанишида ҳам намоён бўлмоқда.

Ўтган даврда асосий инвестицион харажатлар ўзлаштирилган қурилиш объектлари Президентимиз И.А.Каримовнинг 2013 йил якунларига бағишланган маърузасида ўз ифодасини топган.

Фақат 2013 йилнинг ўзида Жамғарма маблағлари иштирокида қиймати 780 миллион доллардан ортиқ бўлган 33 та ўта муҳим лойиҳа амалга оширилди.

Шундай лойиҳалардан бири Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббулари билан Тошкент-Андижон йўналиши бўйича темир йўл қатновининг қурилиши бошланганига унча кўп вақт бўлмаган бўлсада, у ерда олиб борилаётган қурилиш ишлари жадал суратда олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳани амалга оширишда жуда кўплаб қурувчи-инженерлар, техникалар билан бирга биз каби ёш меъморларнинг ҳам борлиги қувонарли ҳолдир. Албатта, ушбу темир йўл қатнови Водий аҳолисини пойтахтимиз Тошкент билан боғлайди, аҳоли турмуш тарзини енгиллаштиради.

Республикаимизнинг барча ҳудудларида бугунги кунга келиб янги замонавий бино ва иншоотлар қурилмоқда. Шулар жумласидан Фарғона шаҳрида ҳам кўплаб қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан маданий марказлар, боғлар ва янги типдаги замонавий жамоат бинолари қурилмоқда. Ҳозирда: 200 ўринли санъат саройи, 20000 ўринли стадион, сузиш

ҳавзалари ва бир қатор қўплаб иморатлар барпо этилди.

Менинг битирув малакавий ишимда Қува туманида қуриладиган 360 ўринли ўрта таълим мактаб ўқув биносини лойиҳаси кўзда тутилган бўлиб, ушбу бино тумандаги ёш авлодга нафақат таълим, балки тарбия бериши билан ҳам аҳамият касб этади. Мазкур битирув малакавий ишимни бажариш жараёнида дастлаб, бино жойлашган ҳудудни ўргандим.

Архитектура-лойиҳа ишларининг назарий ва ҳуқуқий асосларини аниқлаш ва баҳолашни, мавжуд лойиҳалар бўйича миллий ва хорижий мамлакатларнинг тажрибаси билан танишдим. Ўрганишлар натижасида шунга амин бўлдимки, келгусидаги иш фаолиятим давомида ўқиш даврида олган назарий билимларимни амалиёт билан бирга боғлаган ҳолда, ўз устимда тинмай ишлашим кераклигини тушуниб етдим.

Президентимиз томонидан 2014 йилни “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши, юртимиздаги келажаги бўлган болаларга ва албатта, биз ёшларга кўрсатилаётган эътибор деб биламан.

Шу билан бирга халқимизни ва ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънан етук шахс бўлиб етилишида мен лойиҳалаган бундай турдаги бинолар алоҳида аҳамият касб этади.

“АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ” ҚИСМИ

Менга “Бино ва иншоотлар қурилиши, геодезия картография ва кадастр” кафедраси томонидан битирув малакавий ишининг мавзуси сифатида “Қува туманида қуриладиган 360 ўринли ўрта таълим мактаб ўқув биносини лойиҳаси” мавзуси топшириқ қилиб берилган.

Биноларни лойиҳалашда асосий маълумотлар сифатида объектнинг қурилиш олиб бориладиган манзилнинг табиий иқлим шароитини ҳисобга олиш зарур бўлиб, буларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин. Ҳавонининг қишдаги ва ёз пайтидаги ҳарорати, шамолнинг эсишининг асосий йўналиши ва максимал босими қиймати, қорнинг қалин тушиши, zilзила пайтида ер қимирлаш даражасини ўзгариши, бино пойдевори асосини тупроқ шароитини ўзгариб туриши эҳтимоллиги ва бошқа кўрсаткичларни келтириш мумкин.

Қува туманида қуриладиган 360 ўринли ўрта таълим мактаб ўқув биносини лойиҳасини бажаришда Қува туманининг табиий иқлим шароитини ҳисобга олинди. Унга асосан, ҳавонинг қишдаги максимал совуқ кунги ҳарорати -24.5°C , ёздаги максимал иссиқ кунги ҳарорати $+41.6^{\circ}\text{C}$, қишдаги ўртача энг совуқ беш кунлик ҳарорат -22.3°C , ёздаги энг иссиқ беш кунлик ҳарорат $+34.5^{\circ}\text{C}$, қишдаги ўртача совуқ ойдаги ҳарорат $-6,0^{\circ}\text{C}$ га тўғри келади.

Шамол таъсиридан ҳосил бўладиган максимал босим -430 н/м^2 , қор қатламини меъёрий қиймати -500 н/м^2 , ернинг zilзила пайтида ҳосил бўладиган силкиниш даражаси СБМ шкаласи бўйича -8^* баллга тенг.

Ер ости сувларини бино пойдеворларига агрессив таъсири йўқ, улар 6,5 метр чуқурликда оқади.

Муҳандислик – геологик изланишлар натижасига кўра қурилиш майдонининг пойдевор ости грунтлари структураси қуйидаги қатламлардан ташкил топган: унумдор қатлам – 0,2-0,5м; суглинок 0,5-4,5м ва гил тупроқ 4,5-9,0 метрни, грунтлар мустаҳкамлик характеристикасига кўра, бино пойдеворини тасмасимон шакли учун улар етарли мустаҳкамликга эга бўлиб, грунтлар хоссасига кўра чўкмайдиган турга киради.

Бинонинг жавобгарлик бўйича синфи – иккинчи

Бинонинг оловбардошлик бўйича синфи – иккинчи

Бинонинг узоқ ишлаш бўйича муддати – иккинчи

Бинонинг зилзила бўйича ҳисоби – 8* балли туман.

БИНОДАГИ ФУНКЦИОНАЛ ЖАРАЁН

Қува туманида қуриладиган 360 ўринли ўрта таълим мактаби ўқув биносининг функционал жараёнига қуйидагилар киради. Ўрта таълим ўқув биносининг асосий вазифаси тумандаги иқтидорли болаларга таълим бериш муассасаси бўлиб, унда ўқув жараёни учун зарур бўлган барча қулайликларга эга. Лойиҳаланаётган бино ёш авлодга биринчи синфдан тўққизинчи синфгача малакали ўқитувчилар томонидан таълим ҳамда, тарбия бериш ўчоғидир.

Бинода қуйидаги хизмат кўрсатиш хоналари ва ўқув хоналари мавжуд. Бинодаги хоналар таснифи қуйидаги жадвалда келтирилган.

1.1-жадвал

т/р	Номи	Юзаси м ²
1	Синф хонаси	51,4х4
2	География ва тарих хонаси	64,0
3	Кимё хонаси	65,7
4	Лаборатория хонаси	8,3
5	Математика хонаси	51,4
6	Чет тили хонаси	51,4
7	Чет тили хонаси	51,4
8	Она тили ва адабиёт хонаси	51,8
8а	Лаборатория хонаси	16,2
9	Чизмачилик хонаси	65,7
10	Физика ва астрономия лабораторияси хонаси	65,7
11	Лаборатория хонаси	16,9
12	Информатика хонаси	47,5
12а	Психолог хонаси	18,2
13	Препаратлар хонаси	16,7
14	Информатика хонаси	47,5
15	Касаба уюшмаси хонаси	18,2
16	Препаратлар хонаси	16,7

17	Радиоалоқа хонаси	4,5
18	Архив	7,3
19	Фотолаборатория	7,3
20	Комбинациялашган устахона	80,6
21	Асбоб-ускуналар хонаси	14,4
22	Хўжалик мудири хонаси	50,4
23	Рекрация	35,3
24	Рекрация	128,0
25	Спортзал	161,8
26	Кийим алиштириш хонаси ва душхона	28,0
27	Тозалаш анжомлари хонаси	2,1x2
28	Снарядлар хонаси	16,2
29	Инструктор хонаси	8,1
30	120 ўринли фаоллар зали	78,9
31	Эстрада	25,5
32	Инвентарлар хонаси	12,8
33	Ходимлар хонаси	6,7
34	Хўжалик инвентарлари омбори	9,5
35	Тозалаш анжомлари хонаси	4,9
36	Овқатланиш зали	75,8
37	Сабзавотларни арчиб тайёрлаш хонаси	35,5
38	Гўшт ва балиқ сақлаш хонаси	9,0
39	Сабзавотларни сақлаш хонаси	6,1
40	Идишларни ювиш хонаси	18,6
41	Совутиш камераси	12,3
42	Қўшимча хона	9,6
43	Ходимлар гардероби ва душхона	5,3
44	Хожатхона	4,2
45	Тамбур	7,7
46	Қуруқ маҳсулотлар омборхонаси	6,1
47	Юклаш хонаси	8,2
48	Камолот етакчиси хонаси	60,5
49	Инвентарлар хонаси	4,7
50	Маънавият ва маърифат хонаси	35,4
51	Қўшимча хона	27,1
52	Ахборот ресурс маркази	65,7
53	Директор хонаси	15,5
54	Директор ўринбосари хонаси	8,3
55	Ўқув куроллари хонаси	5,7
56	Ўқитувчилар хонаси	31,4
57	Ўқув ишлар бўйича директор ўринбосари хонаси	5,7
58	Тиббий ёрдам хонаси	12,8
59	Хисобхона	10,6
60	Тозалаш анжомлари хонаси	20,0
61	Тозалаш анжомлари хонаси	24,8
62	Аёллар шахсий гигиена хонаси	4,8
63	Вестибюль	123,8
64	Вестибюль	34,8

65	Шамоллатиш хонаси	36,3
66	Электр шити хонаси	9,8
67	Йўлак	59,4
68	Йўлак	149,0
69	Зина майдончаси	7,2
70	Йўлак	101,2

БИНОНИНГ ҲАЖМИЙ – РЕЖАВИЙ ЕЧИМЛАРИ.

Бионинг режадаги кўриниши мураккаб шаклга эга бўлиб, унинг габарит ўлчамлари қуйидагича қабул қилинган.

Бионинг узунлиги 1-19 ўқлар орасидаги масофа 74,2 метрни, А-П ўқлар орасидаги масофа 47,4 метрни ва бионинг А-С ўқлари орасидаги масофа эса 64,8 метрни ташкил этади. Бино 5-15 ва В-С ўқлари орасида 2 қавати мавжуд бўлиб, унинг қават баландлиги 3,3 метрга тенг. Бионинг умумий баландлиги 8,8 метрни ташкил этади. Лойиҳаланаётган бино узунлиги бўйича жами 4 та: 4-5, 8-9, 12-13 ва 15-16 ўқлари орасида деформацион чок билан ажратилган.

Бинога кириш жами 8 та зина катагига кирадиган бир ва икки табақали эшиклар орқали амалга оширилади.

Бинога кириш эшиги устида биринчи қават баландлигида махсус козероклар назарда тутилган бўлиб, улар қалинлиги 12 сантиметрли монолит темирбетондан қуйилади, бундан ташқари кириш эшиклари олдида монолит бетондан зиналар ва супалар қуриш назарда тутилган.

БИНОНИНГ ТУЗИЛМАВИЙ ЕЧИМЛАРИ

Қува туманида қуриладиган 360 ўринли ўрта таълим мактаб ўқув биносининг лойиҳаси комплекс конструкцияли вариантда қабул қилинган бўлиб, унинг тузилмавий ечимлари бино хоналарининг функционал характерида, қурилиш майдонини климатик хусусиятларидан келиб чиқиб танланган.

Асосий тузилмаларнинг маркалари ва уларга қисқача тавсифлар қуйида келтирилади.

ПОЙДЕВОРЛАР

Ғиштдан терилган юк кўтарувчи деворлар остига лентасимон йиғма пойдеворлар қабул қилинган бўлиб, уларнинг ўлчамлари юк кўтарувчи деворлар учун қуйидагича: пойдевор эни 0,5метр, қуйилиш чуқурлиги икки блок баландлигича бўлиб, пойдеворни ёстикчаси эни 1,0 метр баландлиги 0,3 метрни ташкил этади. Улар синфи В12,5 булган оғир бетондан барпо этилган. Пойдеворлар баландлиги бўйича 2 марта қайноқ битум суркалиб намдан ҳимоя қатлам ҳосил қилинади. Пойдеворлар ости грунтини экскватордан кейин ишчилар қўлда текислаб махсус каток ёрдамида қатирилгандан кейин пойдевор учун бетон қуйилади. Пойдевор блоклари ўрнатиловчи қисмларида блокларнинг

устки сатҳи бўйича 30см қалинликдаги антисейсмик белбоғлар - қуйма темирбетондан тикланади. Улар 4ø12 А - I бўйлама арматуралар билан, ø6 А-I, қадами 300 ммли кўндаланг арматуралар билан кучайтирилади.

ДЕВОРЛАР

Қува туманида қуриладиган 360 ўринли ўрта таълим мактаб ўқув биносининг асосий юк кўтарувчи деворлари қалинлиги 1,5 ғиштли комплекс конструкцияли ғишт деворлардан тикланади. Юк кўтарувчи деворлар маркаси М100 бўлган пиширилган ғиштларни мураккаб (оҳак, цемент, қум) коришмадан фойдаланиб тикланади. Бинони юк кўтарувчи деворларини бурчаклари, бўйлама ва кўндаланг деворлар кесишган жойлари темирбетон ўзаклар ёрдамида зўриктирилади. Бундан ташқари, эшик ва дөреза ораликлари атрофлари темирбетон конструкция билан урилиб чиқилади. Юк кўтарувчи деворларни барпо этиш вақтида деворни баландлиги бўйича ҳар 5 – 7 қаторда диаметри 3–5ммли арматурали тўрлар билан арматураланади. Эшик ва дөреза проёмлари устига монолит темирбетондан сарбасталар (перемичка) қуйилади. Бинонинг периметри бўйича ва ички юк кўтарувчи деворларини қўшган ҳолда, синфи В12,5 – бетондан барча қаватлар устига девор қалинлигида баландлиги 15 – 20 см.ли монолит темирбетон антисейсмик белбоғлар барпо этилади, антисейсмик белбоғлар ҚМҚ 3.02.03–96 “Зилзилавий туманларда қурилиш” қоидалари асосида арматуралар билан арматураланади. Бинонинг кириш қисмларида баландлиги 0,45 метрли монолит бетондан зина ва пандуслар қуриш, падуслар устига козероклар барпо этиш кўзда тутилган.

ПАРДАДЕВОРЛАР

Қува туманида қуриладиган 360 ўринли ўрта таълим мактаб ўқув биносининг пардадеворлари қалинлиги 120 ммли маркаси М50 бўлган пишиқ ғиштни, маркаси М25 коришма ёрдамидан фойдаланиб тикланган. Пардадеворларни барпо этиш вақтида деворни баландлиги бўйича ҳар 5 – 7 қаторда диаметри 3–5ммли арматурали тўрлар билан арматураланади. Эшик ва дөреза проёмлари устига монолит темирбетондан сарбасталар (перемичка) қуйилади.

ТОМ ПАРАПЕТИ

Бинонинг иккинчи қаватидаги антисейсмик камар устидан бино периметри бўйлаб қалинлиги 1,0 ғиштли баландлиги 0,3 метргача бўлган парапет девор тикланади. Парапет деворни маркаси М100 булган пишиқ ғиштни маркаси М25 мураккаб коришма ёрдамида тикланади. Парапет девор ҳам баландлиги арматура тўрлари билан арматураланади. Деворни баландлиги бўйича ҳар 5-7 қаторда диаметри 3-5мм.ли арматурали тўрлар билан арматураланади

ПЕРЕМИЧКАЛАР

Бино перемичкалари ГОСТ 948-76 буйича 46-та тип улчамлар буйича қуйма темирбетондан, улчамлари эшиклар улчамларига қараб, эни деворлар қалинлиги бўйича

баландлиги 250 мм.ли қилиб қабул қилинган бўлиб, уларни ғиштли деворларни тиклаш пайтида қуйиб бориш назарда тутилган.

ТОМ ЁПМА ВА ОРАЁПМАЛАР

Бинонинг томёпамалари ва ораёпмалари 1.141-5с серияни 1 чиқарилишини 2 та тип ўлчамлари бўйича ўлчамлари 1,2х3,0 ва 1,2х6,0 метрли олдиндан зуриқтирилган йиғма кўп бўшлиқли темирбетон плиталар қабул қилинган бўлиб, уларнинг баландлиги 22см.га тенг.

ТОМ ТУЗИЛИШИ

Бинонинг том тузилмаси қуйидаги қаватлардан ташкил топган: том ёпмалари устки қисми чанг-тўзонлардан тозаланган кейин бир қават рубероидни қайноқ битум ёрдалиқда ёпиштириб пардан ҳимоя қатлами тикланади. Пардан ҳимоя қатлами устидан енгил бетон плиталардан иссиқлик сақловчи (қалинлиги 10 см) қатлам ҳосил қилинади. Иссиқлик сақловчи қатлам устидан қалинлиги 3см.ли қум - цементли коришмадан текисловчи қатлам ҳосил қилинади. Бундан кейин бино томи учун икки нишабли стропилалар конструкцияси тикланади, стропилалар устидан прогонлар тортилиб уларга тулқинсимон асбестоцемент шиферлар маҳкамланади. Томнинг шиферидан тушадиган ёмғир ва қор сувларни йиғиб махсус варонкалар ёрдамида трубопровод орқали бино атмоскасига чиқарувчи конструкция назарда тутилган.

ПОЛЛАР

Қува туманида қуриладиган 360 ўринли ўрта таълим мактаб ўқув биносининг хоналари ва бўлимларининг функционал хизматларига қараб, бинода қуйидаги пол турлари қабул қилинган: керамик плиткали (душхона, санузел, зина катаги, ошхона) ва линолеумли.

ДЕРАЗАЛАР

Бинони барча қаватларини бир томони бўйича ташқи ва бир томони бўйлаб ички, ўлчамлари 3 хилдаги акфа дераза ромлари қабул қилинган бўлиб, улар қалинлиги 4 мм.ли ойналар билан қопланади. Лойиҳада номинал ўлчамлари 1200х1800, 1500х1800 ва 1800х1800 миллиметрли дераза блоклари, хожатхоналарда эса 1000х500 ва 1200х600 миллиметрли фрамугалар қўлланилган.

ЭШИКЛАР

Бинонинг ташқи кириш эшиклари биринчи қаватда жойлашган бўлиб, бир хил ўлчамда махсус буюртмалар асосида акфа турлари бўйича қабул қилинган. Ички эшиклар бир ва икки табақали қилиб қабул қилинган. Эшикларни эни 1,0 метргача бўлса бир табақали, ундан кенг эшиклар икки табақали қилиб олинган. Бинонинг ички эшиклари 2 хил ўлчамда махсус буюртмалар асосида акфа турлари бўйича қабул қилинган. Хожатхона

ва омборхоналарнинг эшикларининг кенглиги 0,7 метр, ўқув хоналарининг эшиклари эса 0,9 метр қилиб қабул қилинган. Бинода ўрнатиловчи барча дераза ва эшиklar зарур жиҳозлар билан таъминланади.

БИНОНИНГ ТАШҚИ ПАРДОЗИ.

Қува туманида қуриладиган 360 ўринли ўрта таълим мактаб ўқув биносининг ташқи ғиштли деворлари қум-оҳак-цементли қоришмалар билан сувалади ва текисланади, кейин сув эмулсияли ПВА бўёқлар билан бўялади.

БИНОНИНГ ИЧКИ ПАРДОЗИ.

Бинонинг ғиштли девор ва пардадеворлари яхшилаб текисланади, сувалади ва оҳакли таркиблари бўёқлар ёрдамида бўялади, бинонинг шифтлари ҳам юқоридаги бўёқлар ёрдамида оқланади, бинодаги айрим хоналарнинг деворлари ПВА бўёғлар билан, ёғоч ва металл буюмлар мойли бўёқларда бўялади. Сув билан ишлаш хоналар деворлари глазуранган плиткалар билан қопланади.

Бинодаги барча пардоз ишлари европа стандартларига мос равишда, замонавий технологиялар асосида олиб борилади.

БИНОНИНГ САНИТАР ТЕХНИК ВА МУХАНДИСЛИК ТИЗИМЛАРИ.

Қува туманида қуриладиган 360 ўринли ўрта таълим мактаб ўқув биносининг мухандислик тармоқлари асосан Қува тумани тармоқларига уланган бўлиб, уларни қуйида келтирамиз.

СУВ ТАЪМИНОТИ

Бинонинг сув билан таъминлаш туман тармоғидан бўлиб, барчаси биргаликда уланган (ичимлик, хўжалик ва ёнғинга қарши). Сувни киришдаги босими $H=26$ метр, ёнғин пайтида эса $H=34,8$ метрга тенг қилиб қабул қилинган.

СУВОҚАВА (КАНАЛИЗАЦИЯ)

Қува туманида қуриладиган 360 ўринли ўрта таълим мактаб ўқув биносининг оқова сувлари туман тармоғига ташқи ховлидаги қудуқ (колодец) орқали уланади. Хўжалик ва маиший тармоқлар алохида-алохида қилиб лойхаланган. Ёмғир сувлари махсус воронкалар орқали отмокта чиқарилади ва ховлидаги чуқур лотоклар ёрдамида кўкламзорлаштирилган майдонларга узатилади.

ИСИТИШ

Қува туманида қуриладиган бинонинг иситиш тизими ташқи тармоғига уланган иссиқ сув билан амалга оширилади. Сувнинг киришдаги параметрлари 150^0-70^0 С га тенг. Бинонинг иссиқ сув билан таъминлашни маҳаллий қозонлар ёрдамидаги варианты ҳам назарда тутилган.

ШАМОЛЛАТИШ

Бинонинг шамоллатиш икки усулда олиб борилади, табиӣ –дераза ва эшиклар орқали, ҳамда механик-мажбурий венткамераларни ишлатиш билан.

ИССИҚ СУВ ТАЪМИНОТИ

Бинони иссиқ сув билан таъминлаш туман тармоғи орқали бўлиб, сувнинг киришдаги босими $H = 26,0$ метрга тенг. Бинонинг иссиқ сув билан таъминлашни маҳаллий мини қозонлар ёрдамидаги варианты ҳам назарда тутилган.

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

Бинонинг электр таъминоти Қува тумани тармоғидан бўлиб, лойиҳаланаётган бино учун махсус ўрнатилган тақсимловчи трансформатордан фойдаланилган, тармоқдаги кучланиш 380/220 вольтни ташкил этади.

АЛОҚА ВА СИГНАЛИЗАЦИЯ

Бинода қуйидаги алоқа тизимлари қўйилган: телефон алоқаси, модем – факс алоқаси, электрсоатлар, ҳимоя ва ёнғинга қарши сигнали-зациялар.

БИНОНИНГ БОШ РЕЖАСИ

Қува туманида қўйилган 360 ўринли ўрта таълим мактаб ўқув биносининг бош режаси қўйилш меъёрлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, туман маркази ҳудудига қўйилш учун мўлжалланган.

Биноларнинг бош режасини ишлаб чиқишда бинонинг функционал хусусиятларидан, бинонинг хизмат кўрсатиш соҳаси учун ёрдамчи бинолар ва иншоотлар билан бир майдонда жойлаштирилишидан келиб чиқилади, ёки бинони хизмат кўрсатувчи биноларга яқин қилиб жойлаштириш иқтисодий жиҳатдан самалари ҳисобланади.

Қува туманида қўйилган 360 ўринли ўрта таълим мактаби ўқув биноси ўз вазифасига кўра туман аҳолисини замонавий, барча қулайликларга эга бўлган, ўқув хоналари ва ўқув анжомлари билан таъминланган ўқув биносини лойиҳалаш ва қўйилшга қаратилган.

Бош режада атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, санитария ва гигиена қоидаларига амал қилиш мақсадида қўйилш майдонини бир ва кўп йиллик дарахтлар, буталар ва гуллар билан кўкаламзарлаштириш назарда тутилган. Уларни суғориш учун ариқ ва ариқчалар тизими лойиҳаланган. Булардан ташқари бино ва иншоотларни бир-бири билан функционал жараёни олиб бориш учун асфалт йўллари ва йўлкалар билан боғлаш бош режада келтирилган. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари бўйича янги ишлаб чиқилаётган лойиҳа ишларига меҳнатни, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва

хавфсизлик техникасига қилиниши буйича юқори даражадаги талаблар қуйилмоқда. Ушбу талаблар бир томондан объектлар қурилиши даврига тегишли бўлса, иккинчи томондан бино-иншоотларнинг фойдаланиш даврини қамраб олади.

Бош режада қуриладиган бино ва ёрдамчи биноларни жойлаштириш, қурилиш манзилини шамол йуналишига (шамол гули) қараб режалаштирилади. Қува туманида қурилиши мўлжалланган 360 ўринли ўрта таълим мактаби ўқув биноси учун тузилган бош режанинг бинолар таснифи 1.2-жадвалда келтирилган.

1.2-жадвал

т/р	Бинолар номи	Майдони м ²
1	Лойиҳаланиладиган бино	2025,88
2	Спорт зал	648,0
3	Стадион	2160,0
4	Югуриш йўлкаси	360,0
5	Ошхона	800,0
6	Қозонхона	144,0
7	Хожатхона	240,0
8	Қоровулхона	36,0

Қува туманида қурилиши мўлжалланган 360 ўринли ўрта таълим мактаби ўқув биносининг бош режасини асосий техник - иқтисодий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат.

1. Умумий майдони - $F_{\text{ум}}=27710 \text{ м}^2$

2. Бино ва иншоотлар эгаллаган майдон - $F_6=6413,88 \text{ м}^2$

3. Кўкаламзор майдони - $F_k=8867,8 \text{ м}^2$

4. Йўл ва йўлаклар майдони - $F_{\text{й}}=8548,4 \text{ м}^2$

5. Майдондан фойдаланиш коэффициенти:

$$K_{\text{м.ф}} = (F_6 + F_k + F_{\text{й}}) / F_{\text{ум}} = (6413,88 + 8867,8 + 8548,4) / 27710 = 0,86$$

6. Кўкаламзор майдон коэффициенти:

$$K_k = F_k / F_{\text{ум}} = 8867,8 / 27710 = 0,32$$

“КОНСТРУКТИВ - ҲИСОБЛАШ” ҚИСМИ

ЙИҒМА ТЕМИРБЕТОН ЗИНАПОЯ МАРШИ ВА ПЛИТАСИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ЛОЙИҲАЛАШ

Зинапоя маршининг эни 1,35 м, бинонинг қавати баландлиги 3,3 м; зинапоя маршининг қиялик бурчаги $\alpha \approx 30^\circ$; поғоналарнинг ўлчамлари 15х30см; зинапоя марши В25 синфли оғир бетондан тайёрланади; бўйлама арматураси синфи А – II, кўндаланг арматура А – I; арматура тўрлари - Вр – I синфли арматура симларидан тайёрланади.

В – 25 синфли бетоннинг кўрсаткичлари:

$R_b = 14,5 \text{ МПа}$; $R_{bt} = 1,05 \text{ МПа}$; $E_b = 27000 \text{ МПа}$.

А – II синфдаги арматура учун:

$$R_s = 280 \text{ МПа}; E_s = 210000 \text{ МПа}.$$

А – I синфдаги арматура учун:

$$R_{sw} = 175 \text{ МПа}; E_s = 210000 \text{ МПа}.$$

R_p – I синфли арматура учун ($\varnothing$ 4мм)

$$R_s = 370 \text{ МПа}; R_{sw} = 265 \text{ МПа}; E_s = 170000 \text{ МПа}$$

ЮКЛАР ВА ЗЎРИҚИШЛАРНИ АНИҚЛАШ

Зинапоё маршининг горизонтал проекциядаги хусусий оғирлиги:

$$g^n = 3,6 \text{ кН/м}^2.$$

Зинапоёлар учун вақтли юкнинг норматив қиймати:

$$v^n = 3 \text{ кН/м}^2, \quad \gamma_f = 1,3.$$

Маршнинг 1 н/м узунлигига тўғри келувчи ҳисобий юк:

$$q = (g^n \gamma_f + v^n \gamma_f) a = (3,6 \cdot 1,1 + 3 \cdot 1,3) 1,2 = 9,5 \text{ кН/м}$$

Максимал этувчи момент:

$$M = \frac{ql^2}{8} = \frac{9,5 \cdot 3,3^2}{8} = 13 \text{ кН} \cdot \text{м}$$

Таянчдаги кўндаланг куч:

$$Q = \frac{ql}{2} = \frac{9,5 \cdot 3,3}{2} = 15,7 \text{ кН}$$

Заводларда ишлаб чиқарувчи йиғма т/б конструкцияларга мос келувчи қийматларда дастлабки ҳисоблар учун зинапоё маршининг ўлчамларини қабул қиламиз:

плитаси қалинлиги: $h_f^1 = 30 \text{ мм} = 3 \text{ см};$

қобирға (косоур) баландлиги: $h = 170 \text{ мм} = 17 \text{ см};$

қобирға эни: $b_p = 80 \text{ мм} = 8 \text{ см}.$

Ҳисобларда маршнинг кесими токчаси сиқилувчи соҳада жойлашувчи тавр шаклида олинади. У ҳолда:

$$b = 2 b_p = 2 \cdot 8 = 16 \text{ см}$$

Токчанинг ҳисобий эни:

$$b_f' = 12 h_f' + b = 12 \cdot 3 + 16 = 52 \text{ см}$$

$$h = 17 \text{ см}; \quad h_f' = 3 \text{ см}$$

Кўрилаётган зинапоё марши қобирғаларининг бўйлама арматурасини ҳисоблаймиз.

Ҳисобий тавр кесим учун $x = h_f'$ ҳолатида қуйидаги шартни текшираамиз:

$$M \leq R_b \gamma_{b1} h_f^1 b_f^1 (h_0 - 0,5 h_f^1).$$

Агар шарт қаноатлантирилса, нейтраль ўқ токчадан ўтади.

$$1300000 \leq 14,5(100)0,9 \cdot 52 \cdot 3(14,5 - 0,5 \cdot 3) = 2646540 \text{ н} \cdot \text{см},$$

шарт бажарилди, демак нейтраль ўқ токчадан ўтади.

Арматура ҳисоби эни $b_f = 52$ см га тенг бўлган тўғри тўртбурчак шаклидаги кесим учун бажарилади.

Ҳисоблаймиз:

$$A_0 = \frac{M}{R_b \gamma_{b1} b_f^1 h_0^2} = \frac{1300000}{14,5(100) \cdot 0,9 \cdot 52 \cdot 14,5^2} = 0,091;$$

$$\xi = 0,095; \quad \zeta = 0,95;$$

$$A_s = \frac{M}{\zeta \cdot h_0 \cdot R_s} = \frac{1300000}{0,95 \cdot 14,5 \cdot 280(100)} = 3,37 \text{ см}^2$$

Қабул қиламиз: 2 ø 16 А – II, $A_s = 4,02 \text{ см}^2$.

Ҳар бир қобирғада бўйлама арматура синч таркибида жойлаштирилади.

Арматура синчининг монтаж арматурасини ø6 А – I стерженларидан қабул қиламиз.

ҚИЯ КЕСИМЛАРНИНГ КЎНДАЛАНГ КУЧ ТАЪСИРИГА ҲИСОБИ

Кўндаланг куч бўйича қуйидаги шартларни текшираамиз:

$$Q \leq \varphi_{b4} R_{bt} b h_0;$$

$$15700H < 0,6 \cdot 1,05 \cdot 16 \cdot 14,5(100) = 14616H$$

шарт бажарилмади, демак кўндаланг арматура ҳисоб бўйича қўйилиши керак.

Ҳисоблаймиз:

$$B = \varphi_{b2} R_{bt} b h_0^2 = 2 \cdot 1,05 \cdot 16 \cdot 14,5^2(100) = 706440 \text{ н} \cdot \text{см}$$

ҳисобий қия кесимда $Q_b = Q_{sw} = \frac{Q}{2}$ бундан:

$$C = \frac{B}{0,5Q} = \frac{706440}{0,5 \cdot 15700} = 90 \text{ см} > 2h_0 = 2 \cdot 14,5 = 29 \text{ см}.$$

Қабул қиламиз: $C = 2h_0 = 29 \text{ см}$.

У ҳолда:

$$Q_b = \frac{B}{C} = \frac{706440}{29} = 24360H.$$

$Q_b = 24360 > Q = 15700H$ бўлгани учун кўндаланг арматура конструктив талаблар бўйича қўйилади.

Таянчлар яқинидаги 1/4ℓ участкаларида ø6 А – I кўндаланг стерженлар қадами:

$$S = \frac{h}{2} = \frac{17}{2} = 8,5 \text{ см}, \text{ қабул қиламиз. } S = 8 \text{ см}.$$

Оралик ўртасида кўндаланг арматура қадами:

$$S = 3h/4 = 3 \cdot 17/4 = 12,75 \text{ см}.$$

қабул қиламиз: $S = 12 \text{ см}$.

Зинапоя маршининг плитаси (токчаси) конструктив ҳолда $S = 100$ мм қадами билан қўйилувчи стерженлари $\varnothing 4$ Вр – I бўлган арматура тўри билан жиҳозланади. Маршнинг плитаси зинапоя поғоналари билан монолит ҳолда боғланган бўлади, шу сабабли унинг юк кўтариш қобиляти поғоналар қаршилиги билан биргаликда тўлиғича таъминланган бўлади.

Поғоналар конструктив ҳолда $\varnothing 6$ А–I стерженлари билан арматураланади.

ЗИНАПОЯ МАРШНИНГ САЛҚИЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ

Норматив доимий ва узок муддатли юклардан ҳосил бўлувчи эгувчи моментини ҳисоблаймиз:

$$q^n = (g^n + v_{gn}^n) a = (3,6 + 2) 1,2 = 6,72 \text{ кН / м } ;$$

$$M^n = \frac{q^n l^2}{8} = \frac{6,72 \cdot 3,3^2}{8} = 9,15 \text{ кН} \cdot \text{м} .$$

Ҳисобий кесимнинг инерция моменти:

$$I = \frac{52 \cdot 17^3}{12} - 2 \cdot \frac{18 \cdot 14^3}{12} = 13060 \text{ см}^4$$

Ҳисоб кесимининг бикрлигини топамиз:

$$B = 0,85 \cdot E_b J = 0,85 \cdot 27000(100) \cdot 13060 = 29,97 \cdot 10^9 \text{ Н} \cdot \text{см}^2$$

Элемент ўқининг эгрилигини топамиз.

$$\frac{1}{r} = \frac{M\varphi}{B} = \frac{9,15 \cdot 10^5 \cdot 2}{29,97 \cdot 10^9} = 61,06 \cdot 10^{-6} \text{ см}^{-1} .$$

Маршнинг салқилигини қуйидаги формула бўйича аниқлаймиз:

$$f = \frac{5}{48} l^2 \frac{1}{r} = \frac{5}{48} \cdot 330^2 \cdot 61,06 \cdot 10^{-6} = 0,69 \text{ см}$$

Чегаравий салқилик:

$$[f] = \frac{l}{200} = \frac{330}{200} = 1,65 \text{ см} .$$

$$f = 0,69 \text{ см} < [f] = 1,65 \text{ см}$$

демак, зинапоя маршининг салқилиги нормаларда рухсат этиладиган чегаравий салқиликдан ошмас экан.

Зинапоя маршининг синчи чизмалари битирув – малакавий ишининг график қисмида келтирилган.

ЗИНАПОЯ МАЙДОНЧАСИ ПЛИТАСИНING ҲИСОБИ

Майдонча плитасининг олд қобирғасининг хусусий оғирлиги:

$$q = (0,29 \cdot 0,11 + 0,07 \cdot 0,07) \cdot 1 \cdot 2500 \cdot 1,1 = 1000 \text{ Н / м} .$$

четки – девор олди қобирғасининг хусусий оғирлиги:

$$q = 0,14 \cdot 0,09 \cdot 1 \cdot 25000 \cdot 1,1 = 350 \text{ н / м }.$$

Ҳисобий вақтли юк:

$$\nu = 3 \cdot 1,3 = 3,9 \text{ кн / м}^2.$$

Майдонча плитасининг ҳисобида токчанинг қобирғаларига эластик схемада бириктирилган деб олинади, маршлар таянувчи олд қобирға ва девор олди қобирғаларининг алоҳида ҳисоблари бажарилади. Девор олди қобирғаси плита токчаси энинг ярмига тўғри келувчи юкларни қабул қилади деб қаралади.

ПЛИТА ПОЛКАСИНИНГ ҲИСОБИ

Плита полкасининг ҳисоб схемаси таянчларда қисман қистирилган деб қабул қилинади. Ҳисобий оралиқ қобирғалар орасидаги масофага: $\ell_0 = 0,98 \text{ м. тенг}$
Эгувчи моментлар шарнирлар ҳосил бўлишини ҳисобга олиб топилади:

$$M_{on} = M_{np} = \frac{ql^2}{16} = \frac{5550 \cdot 0,98^2}{16} = 333 \text{ н} \cdot \text{м}$$

бу ерда:

$$q = (g + \nu) = 1650 + 3900 = 5550 \text{ н / м }.$$

$$b = 100 \text{ см}, \quad h_0 = h - a = 6 - 2 = 4 \text{ см}.$$

Ҳисоблаймиз:

$$A_0 = \frac{M}{R_b \gamma_{b1} b h_0^2} = \frac{33300}{14,5(100) \cdot 0,9 \cdot 100 \cdot 4^2} = 0,016.$$

Ёрдамчи жадвалдан аниқлаймиз:

$$A_s = \frac{M}{\zeta \cdot h_0 \cdot R_s} = \frac{33300}{0,998 \cdot 4 \cdot 280(100)} = 0,30 \text{ см}^2.$$

$$\text{Қабул қиламиз: } 6 \text{ } \emptyset \text{ 3 Вр – I, } A_s = 0,42 \text{ см}^2.$$

Ушбу арматура стерженлари $S = 200 \text{ мм}$ ли ячейкага эга бўлган арматура тўри сифатида қўйилади.

Таянчлар яқинида арматура тўри букилиб, кесимнинг юкори қисмига жойлаштирилади.

ОЛД ҚОБИРҒАНИ ҲИСОБЛАШ

Олд қобирғага таъсир этувчи юклар:

$$q = (1650 + 3900) \frac{1,2}{2} + 1000 = 4330 \text{ н / м};$$

Маршларнинг таянч реакциясидан ҳосил бўлувчи ва олд қобирғанинг буралишидан таъсир этувчи тенг тақсимланган юк:

$$q_1 = \frac{Q}{Q} = \frac{15700}{1,2} = 1300 \text{ н/м}.$$

1 п. м даги буровчи момент:

$$M_k = q_1 \frac{10+7}{2} = 1300 \cdot 8,5 = 11050 \text{ н} \cdot \text{см} = 110 \text{ н} \cdot \text{м}.$$

q_1 юкнинг тўлиқ оралиқ бўйича таъсир этувчи деб олиб, олд қобирғанинг оралиғи ўртасида ҳосил бўлувчи эгувчи моментини топамиз:

$$M = \frac{(q + q_1)l_0^2}{8} = \frac{(4330 + 1330) \cdot 2,8^2}{8} = 5500 \text{ н} \cdot \text{м}.$$

Кўндаланг куч:

$$Q = \frac{(q + q_1)l}{2} = \frac{(4330 + 1300)2,8}{2} = 7880 \text{ н}.$$

Олд қобирғанинг ҳисобий кесими токчаси сиқилувчи соҳада жойлашган тавр кесим кўринишида қабул қилинади.

Кесим эни:

$$b_f^1 = 6h_f^1 + b_p = 6 \cdot 6 + 12 = 48 \text{ см}.$$

Олд қобирға токча билан монолит бириктирилгани учун, буровчи момент таъсирини эътиборга олмаслик мумкин.

Нейтраль ўқининг ҳолатини аниқлаймиз:

$$M = 550000 \text{ н} \cdot \text{м} < R_b \gamma_b b_t^1 h_f^1 (h_0 - 0,5h_f^1) = 14,5(100) \cdot 48 \cdot 6 \cdot 0,9(31,5 - 0,5 \cdot 6) = 10711440 \text{ н} \cdot \text{см}$$

шарт бажарилди, демак нейтраль ўқ токчада жойлашади.

Ҳисоблаймиз:

$$A_0 = \frac{M}{b_f^1 h_0^2 R_b \gamma_{b1}} = \frac{550000}{48 \cdot 31,5^2 \cdot 14,5(100) \cdot 0,9} = 0,009$$

Ёрдамчи жадвалдан: $\zeta = 0,996$; $\xi = 0,009$.

$$A_s = \frac{M}{\zeta h_0 R_s} = \frac{550000}{0,996 \cdot 31,5 \cdot 280(100)} = 0,63 \text{ см}^2.$$

Қабул қиламиз: $\emptyset 14 \text{ А} - \text{II}$, $A_s = 1,533 \text{ см}^2$

Арматуралаш коэффициенти:

$$\mu = \frac{1,539}{12 \cdot 31,5} \cdot 100 = 0,41\%.$$

ОЛД ҚОБИРҒАНИ КЎНДАЛАНГ КУЧЛАР ТАЪСИРИГА ҲИСОБЛАШ

Ҳисобий юклардан кўндаланг куч: $Q = 7880 \text{ н}$.

Ҳисоблаймиз:

$$B = \phi b_2 R_b + b h_0^2 = 2 \cdot 1,05 \cdot 12 \cdot 31,5^2 (100) = 2500470 \text{ н} \cdot \text{см}.$$

Ҳисобий кесим учун: $Q_6 = Q_{sw} = Q/2$.

$$C = \frac{B}{0,5Q} = \frac{2500470}{0,5 \cdot 7880} = 634 \text{ см} > 2h_0 = 63 \text{ см}.$$

Қабул қиламиз: $C = 2h_0 = 63 \text{ см}$.

Бетон кесим қабул қила оладиган кўндаланг куч:

$$Q_b = \frac{B}{C} = \frac{250470}{63} = 39690 \text{ н} > Q = 7880 \text{ н};$$

демак, кўндаланг арматура ҳисоб бўйича талаб этилмайди.

Конструктив ҳолда $\emptyset 6 \text{ А} - \text{I}$ стерженларни $S = 150 \text{ мм}$ қадам билан қабул қиламиз.

Олд қобирға арматуралари синч кўринишида жойлаштирилади. Олд қобирғанинг маршлар таянишига мўлжалланган консол қисми арматура тўрлари билан жиҳозланади.

Ушбу тўрлар қобирғанинг арматура синчига хомутлар воситасида бириктирилади.

ДЕВОР ОЛДИ ҚОБИРҒАСИНИНГ ҲИСОБИ

Қобирғага таъсир этувчи юклар:

$$q = (1650 + 3900) \cdot 1,2 / 2 + 350 = 3680 \text{ н} / \text{м}.$$

Ҳисобий эгувчи момент:

$$M = \frac{q l_0^2}{8} = \frac{3680 \cdot 2,8^2}{8} = 3600 \text{ н} \cdot \text{м}$$

Кўндаланг куч:

$$Q = \frac{q l_0}{2} = \frac{3680 \cdot 2,8}{2} = 5150 \text{ н}.$$

Ҳисобий кесим ўлчамлари:

$b_p = 10 \text{ см}; h = 20 \text{ см}; h_0 = 17 \text{ см}; Q = 3 \text{ см}; b_f = 48 \text{ см}; h_f = 6 \text{ см}$

Текширамиз:

$$\begin{aligned} M &= 360000 \text{ н} \cdot \text{см} < R_b \gamma_{b1} h_f^1 b_f^1 (h_0 - 0,5 h_f^1) = \\ &= 14,5(100) \cdot 48 \cdot 6 \cdot 0,9(17 - 0,5 \cdot 6) = 5261760 \text{ н} \cdot \text{см} \end{aligned}$$

шарт қаноатлантирилди, демак, нейтраль ўқ токчада жойлашади.

Ҳисоблаймиз:

$$A_0 = \frac{360000}{48 \cdot 17^2 \cdot 14,5(100) \cdot 0,9} = 0,02;$$

$$\zeta = 0,99 \quad \xi = 0,02.$$

Бўйлама арматура юзасини топамиз:

$$A_s = \frac{360000}{0,99 \cdot 17 \cdot 280(100)} = 0,76 \text{ см}^2.$$

Қабул қиламиз: $\emptyset 12 \text{ А} - \text{II}$, $A_s = 1,131 \text{ см}^2$.

$$\mu = \frac{1,131}{10 \cdot 17} \cdot 100 = 0,66\%.$$

Қобирғанинг қия кесимлари мустақкамлигини текширамыз:

$$B = 2 \cdot 1,05 \cdot 10 \cdot 17^2 (100) = 606900 \text{ н} \cdot \text{см}.$$

$$C = \frac{606900}{0,5 \cdot 5150} = 235 \text{ см} > 2h_0 = 2 \cdot 17 = 34 \text{ см}.$$

Қабул қиламыз: $C = 2h_0 = 34 \text{ см}.$

$$Q_b = \frac{606900}{34} = 17850 \text{ н} > Q = 5150 \text{ н}.$$

демак, ҳисоб бўйича кўндаланг арматура қўйилиши талаб этилмайди.

Конструктив ҳолда $\emptyset 6 \text{ А} - \text{I}$ стерженларидан $S = \frac{h}{2} = 10 \text{ см}$ кадам билан

қўйилувчи кўндаланг арматура қабул қиламыз.

Девор олди қобирғасининг ҳисобий ва конструктив арматуралари пайванд синчи кўринишида жойлаштирилади.

«ҚУРИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ» ҚИСМИ

ДЕВОР ВА ПАРДАДЕВОРЛАРНИ СУВАШ УЧУН ТЕХНОЛОГИК КАРТА

Сувоқ ишларини бажариш учун тузилган технологик харита Кува туманида қуриладиган 360 ўринли ўрта таълим мактаб ўқув биносини деворлари сувоқ ишлари учун тузилган бўлиб, бундай сувоқлар механик таъсирларга чидамли ва етарли мустақкамликка эга бўлиши талаб этилади.

Технологик харита бўйича сувоқ ишларини таркиби қуйидагича олинади:

